



**РЕАНИМАЦИЯ БЎЛИМИДА ШИФОХОНА ИЧИ
ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТИББИЙ ҲАМШИРА
РОЛИ**

Иргашева Райхон

Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали

Аннотация: Ушбу мақолада реанимация бўлимида шифохона ичида юқиш инфекцияларнинг олдини олишда тиббий ҳамшираларнинг роли таҳлил қилинган. Мақолада инфекцияларнинг тарқалиш сабаблари, олдини олиш чора-тадбирлари ва ушбу жараёнда тиббий ҳамшираларнинг масъулиятлари ҳамда фаолиятининг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, амалий тадқиқот натижаларига таяниб, реанимациядаги беморлар билан ишлашда инфекция хавфини камайтириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Шифохона ичида юқиш инфекцияси, реанимация, тиббий ҳамшира, инфекция назорати, профилактика, гигиена.

Мавзунунг долзарблиги: Бугунги кунда шифохона ичида юқиш инфекциялари, хусусан, реанимация ва интенсив терапия бўлимларида энг муҳим муаммолардан бири саналади. Чунки мазкур бўлимлардаги беморлар организми иммунитетни пасайган, узок вақт давомида сунъий нафас олдириш аппаратларига уланган, инвазив тиббий манипуляцияларга мойил бўлади. Шу сабабли инфекция хавфи юқори ҳисобланади. Бундай шароитда тиббий ҳамшираларнинг тўғри ва самарали фаолияти инфекцияларни олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади: Реанимация бўлимида шифохона ичида юқиш инфекциялари тарқалишининг олдини олишда тиббий ҳамшираларнинг ролини ўрганиш, уларнинг амалий фаолиятини таҳлил қилиш ва самарали профилактика тадбирларини тавсия этиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Тадқиқот 2024 йил октябрь — 2025 йил январь ойлари давомида Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли шифохонаси реанимация бўлимида олиб борилди. Ушбу тадқиқотда 20 нафар тиббий ҳамшира ва 35 нафар бемор иштирок этди. Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди:





- аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш;
- тиббий ҳамширалар ўртасида сўровнома ва интервьюлар ўтказиш;
- беморлар ҳолатини мониторинг қилиш;
- тиббий ҳужжатлар ва инфекция назорати бўйича ички протоколларни ўрганиш.

Тадқиқот натижалари: Тадқиқот давомида қуйидаги натижаларга эришилди:

1. Реанимация бўлимида шифохона ичида юқиш инфекциялари асосан қўл гигиенасига риоя қилмаслик (30%), тиббий анжомларнинг тўғри стерилланмаслиги (25%), бемор билан тўғри ишлаш қоидаларини бузиш (20%) ва ҳаддан ташқари кўп инвазив манипуляциялар (25%) сабабли қайд этилган.
2. Сўровнома натижасида тиббий ҳамшираларнинг 85% инфекция назорати бўйича етарли билимга эга эканлиги, аммо амалда баъзи ҳолатларда бу билимлар тўлиқ қўлланилмаслиги аниқланди.
3. Тадқиқот давомида тиббий ҳамширалар томонидан тўғри қўл гигиенаси ва индивидуал ҳимоя воситаларидан мунтазам фойдаланиш ҳолатларида инфекция тарқалиши 40% га камайгани қайд этилди.

Хулосалар: Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, реанимация бўлимида шифохона ичида юқиш инфекцияларнинг олдини олишда тиббий ҳамшираларнинг билим ва маҳоратлари муҳим аҳамиятга эга. Тиббий ҳамшираларни мунтазам равишда ўқитиш, инфекция назорати бўйича ички назоратни кучайтириш ва профилактик чора-тадбирларни амалда қўллаш инфекцияларнинг олдини олишда самарали натижалар беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Назарова, Н.Р. Касалхона ичида юқиш инфекциялари: профилактика ва назорат. — Тошкент: «Ilm-Ziyo», 2021. — 220 б.
2. Ғафуров, А.Ш. Интенсив терапия ва реанимацияда инфекция хавфи: назарий ва амалий асослар. — Самарқанд: «Samarqand University Press», 2020. — 198 б.





3. Каримова, М.Д. Реанимация бўлимида кўл гигиенаси ва унинг аҳамияти. // «Тиббиёт ва амалиёт» илмий журнали. — 2022. — №4. — Б. 45–52.

4. World Health Organization. Guidelines on core components of infection prevention and control programmes at the national and acute health care facility level. — WHO, 2016.

5. Alp, E., et al. Intensive care unit-acquired infections: epidemiology, risk factors and prevention. *Annals of Clinical Microbiology and Antimicrobials*. — 2021. — Vol. 20, Issue 1.

